

Жамият

Улугбек ОТАЖОНОВ:

**“Мавсумий”
хонандаликдан
асрасин!**



4



**Нурбулоқнинг
шифобахш сувлари**

5

ОТА

6



8

**Саломатликка
зарарли
парҳезлар**

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Машраб НУРИНБОЕВ
сурат-лавҳаси.

**Кўксингизда баланд ору
Номус бўлса — бўлғай бари,**

**Бул Ватаннинг кўрар давру
Давронлари сиз бўлғайсиз.**


“BEAUTYEXPO UZBEKISTAN — 2012”

Пойтахтимиздаги “Ёшлар ижод саройи”да “TNT Expo” кўرғазмалар компанияси, Абу Али ибн Сино (Авиценна) номидаги халқ табобати халқаро уюшмаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида саккизинчи бор ўтказилган “BeautyExpo Uzbekistan — 2012” халқаро ихтисослаштирилган гўзаллик кўрғазмасида гигиена воситалари, пардоз ашёлари, табиий гиёҳлар, биологик фаол дармондорилар, заргарлик буюмлари, сартарошхона ва косметологияда қўлланиладиган техник жиҳозлар намойиш этилди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, Беларусь, Болгария, Германия, Греция, Жанубий Корея, Италия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Польша, Швейцария сингари жаҳоннинг 16 мамлакатидан 50 дан зиёд компаниялар қатнашишди.

— Уч кун давом этган ушбу кўрғазмада маҳсулотлар намойишидан ташқари мутахассислар томонидан маҳорат дарслари, тақдирот ва шоулар ҳам ўтказилди, — дейди **Ўзбекистон сартарошлар уюшмаси раиси Фарҳод Шомуродов**. — Бу каби хилма-хил гўзаллик сирларини намойиш этувчи тадбирлар юртимиздаги мутахассислар ҳамда хорижий экспертларнинг ўзаро тажриба алмашиб ҳамкорликда ишлашига мустаҳкам замин яратади.

Ушбу нуфузли тадбир дастури доирасида гўзаллик рецептига асосланган мойлар, ниқоб, скраб, қатор совун турлари, ифорли шамлар ва яна шу каби гўзалликни сақлаб қолувчи воситаларни намойиш этган “GULI” марказининг табиий косметик маҳсулотлари ҳам ихлосмандлар эътиборини қозонди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.



«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ —
доимий ҳамкоримиз!

ПОК НИЯТЛАР БЕШИГИ

— Бешигда келажак авлод улгаётган. Бонда гулу райхонлар барқ уриб ўсаётган. айвонда қадиригочлар чурулаган. Кўнгишлар осмонда соф орзу ва ниятлар куртак ёзаётган ҳовли. Бу — шубҳасиз, ўз тантлиги, меҳмондўстлиги, оқил фарзандлари билан дунёга донг тартган, камтар, хокисоргина ўзбекимининг олпаси. — дейди республика "Оила" илмий-амалий маркази Самарқанд шаҳар бўлими директори Саппа Муҳаммадиева.

— Ўзбек борки, оилам дейди, хонадони шайни кўз қорачидаги асради. Оила бизга оқ-қорани танитувчи, мустақил шахс қилиб тарбияловчи, жамики ёмонликлардан асрагувчи бир гўша. Шу маънода жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Оилани эъзозлаш, уни муқаддас билиш замирида қадим қадриятларимиз мўжассам. Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилаларнинг мустаҳкам бўлиши учун шу заминда яшаётган ҳар бир инсон атрофга уйқоқ қалб, чуқур тафаккур, теран нигоҳ билан назар ташлаши лозим. Ахир шундоқ ёнгинамизда гуддек оилаларнинг бўзилиб кетаётгани, беғуноҳ норасидаларнинг тирик етим бўлиб қолаётгани бор гап-ку! Ёки жанжалнинг уяси бўлиб қолган хонадонлар ози? Бир оғиз ширин каломга маҳтал бўлиб, эрта-ю кеч эшикка термулиб, ич-ичидан эзилиб, тўкилиб ўтирганлар йўқ дейсизми?! Ушбу йил шарофати билан шу эшиклар очилмоқда, ўқис қалбларга меҳр-муруват эпкинлари кириб келмоқда.

Ҳар тонг туриб дастлаб оила аъзоларининг юз-кўзларига боқинг. Уларнинг юрагиде бахту иқбол порлаётими? Ёки изтироб излари борми? Бор бўлса бунинг боиси недан? Чорасини топиб, нега бахтиёрлар сафига қўшолмайсиз? Ахир уларнинг бахти сизнинг бахтингиз эмасми? Шундоқ осто-на хатлаб кўчага чиқинг: Кўшинингизнинг



ўғли ё қизига "Дўстларинг ким?" дея бемалол савол бераверинг. Ёки қаёққа бориб келаётгани билан қизиқиб кўринг. Тўхтанг, бу сўзлардан истехзоли кулиб кўйдингизми? Ёки ич-ичингизда "Менга нима?" деган сас гимирладими? Демак, бу сас сизники эмас. Бу сизга умуман бегона туйғу. Мурғак ва беғубор гўдаклик пайтингизда сизда бундай туйғулар бўлмаган. Бу сизнинг беларволигингиз оқибатида ичингизга кириб олган қора куюн. Бу борган сари атрофингизни, сўнгра уйингизни ўз чанг-турунлари остига ола бошлайди. Кўларингиз олдини туман қолаб, жаҳолат ботқоғи томон ботиб бораётганингизни сезмай ҳам қоласиз.

"Ер-ёр" садолари остида бахт осто-насига қадам қўяётган бир жуфт оқушдек келин-куёвларга эътибор бергансиз-а. Уларнинг қалбиде заррача губор йўқ, юраклари меҳр-мухаббатга, орзу ниёту оппоқ тилакларга тўла. Бир-бирига нафақат умрини, балки жонини ҳам тортиқ атишга тайёр. Бироқ улар бугунги кунда ажрашиш арафасида! Нега? Нега бугун улар учун дунёда бир-биридан ёмон одам йўқ. Сабаби, уларни ҳаёт деб аталмиш бозорда ҳар доим ҳам оқ тилакли, хуш ниятли инсонлар кутиб ол-

майди-да. Лоқайд, бе-парво, сўлиётган гулни, ўлаётган капалакни кўриб хузур қилувчи-лар, бировларнинг шодлигини кўролмовчи каслар улар бахтига зомин бўлмадими? Ана шундайлардан оилангизни, шаънингизни, номингизни, керак бўлса шу жонажон Ватанингизни асранг!

Кексаларимиз эзгу дуоларини "Бахтингдан тин, илоҳ оиланг тинч бўлсин", деган каломдан бошлаши бежиз эмас. Умрим давомида шунга амин бўлдимки, оиласи мустаҳкам, фарзандлари оқил инсонларнинг ҳамisha бошлари баланд, сўзлари ўткир. Мен ҳам шу овоз ва обод юртнинг оддий аёли сифатида оилаларимизнинг мустаҳкамлигига ўз ҳиссамни қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳис этган бўлардим. Машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой ёзганидек, "Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг ҳар бири эса алоҳида бахтсиздир". Жонажон юртимизда ана шундай бир-бирига ўхшаш бахтли оилалар кўпаяверсин. Оилалар тинч, осуда, фаровон, файзли бўлсин. Уларимиз шифтини жаннат райхонлари бўлган митти чақалоқлар йиғиси, фарзандлар кулгулари зириллатсин. Ҳар ким энг беғубор ниятлар бешиги бўлган хонадонидан қалбиде чексиз гурур, чексизда ёруғ табассум билан осто-на ҳатласин. Шундагина унинг ортидан бахт эргашади, омад эргашади. Зеро, шоир ёзганидек:

**Ҳар қадамда топишар қадр,
Билмас алам, билмас ғам надир.
Улар ойни олишга қодир,
Уйдан кулиб чиққан одамлар...**

"Оила ва жамият" муҳбири
Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган "Энг улуг, энг азиз" аънавий танловига таклиф этади.

"ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ"

Танловга "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган эзгу гоёни ўзида мўжассам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг кудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юрдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати ҳамда юсак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва аънаваларимизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараш тубдан ўзгариб, Ватан тақдир ва истикболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижодий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

Диққат, танлов!

"Энг улуг, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тасвирнома;
- муаллифнинг манзили ва боғлиқ телефонлари.

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Ташкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси
"Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Жараён

МАҲОРАТИ ОШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2001 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида республика ички ишлар идоралари тизимида ислохотлар ўтказилиб, жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашишнинг устувор йўналиши деб белгилаб берилган.

Жорий йилнинг 28 майдан 28 июнига қадар Академия ўқув дала полигониде касбий билим ва маҳоратини оширган 600 нафар профилактика инспекторларига сертификатлар топширишга бағишланган битирув тантанаси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИ раҳбарияти, вазирлик таркибидеги бош бошқарма ва соҳавий хизмат бошлиқлари, Академия профессор-ўқитувчилари ва журналистлар иштирок этишди.

Тантанали кечада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлубов сўзга чиқиб, юртимизнинг барча хуудлариде фаолият олиб бораётган ички ишлар идоралари профилактика инспекторларининг аҳоли, айниқса, жойлардаги маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга, шунингдек, ҳар қандай содир этилган жиноятларга жавоб қайтаришда ички ишлар идораларининг тезкорлигини ва ҳаракатчанлигини оширишга эришилганлигини алоҳида таъкидлади.

— Бу борада бир ойлик ўқув йилнинг ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, профилактика инспекторларининг таъриба, билим ва амалий кўникмаларини оширишдан иборат, — деди ИИВ Академия бошлигининг ўринбосари подполковник А. Абдуллаев — Профилактика инспекторлари нафақат ҳуқуқий, касбий билимга, балки жисмоний ва жанговар тайёргарликка ҳам эга бўлишлари зарур. Бу ерда ўқув машғулотларининг барча турлари, жумладан маъруза, мунозара, амалий, шунингдек, жисмоний жанговар тайёргарлик машғулотлари, соҳавий хизматларнинг таъриба олиб раҳбар ходимлари, академия профессор ўқитувчилари томонидан олиб борилмоқда.

Шунингдек, ўқув машғулотлар жараёнида ўзларининг билимга чанқоклигини, берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш қобилиятига эгаллигини, касбий кўникма ва таърибаларини оширишга фаол интилишини, амалда қонун ва ИИВ меъёри ҳужжатларининг талабларини яхши билган ҳамда амалиётда тўғри қўллаб олган 19 нафар профилактика инспекторига Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шахло БОБОЕВА,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори.

ОРАСТА ҚИЗЛАР ФОЛИБ

Минг нафардан зиёдроқ ўқувчи ёшлар тахсил олаётган Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиде туман хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ЁИХ туман кенгаши бўлими, "Маҳалла" жамоат фонди туман бўлинимаси ҳамкорлигиде "Ораста қизлар" кўрик-танлови ўтказилди. Унда 35 нафар ўқувчи "Энг ораста қиз", "Энг пазанда қиз", "Энг чаққон қиз", "Энг нафосатли қиз", "Энг зуқко қиз" ва "Энг дилбар қиз" номинациялари бўйича беллашдилар.

Турли йўналишларда ғолиб чиққан Азиза Юсупова, Фарангиз Аҳмедова, Шаҳрибону Меилиқуллова, Заҳро Хушвақтова, Регина Тайфулина ҳамда Мадина Камоловаларга хомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Қашқадарё вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР
КЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИДАН

**ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ
БИЛАН МУЛОҚОТ**

Ҳар йили республикамиздаги чуқур билимли, иқтидорли ёш қизларимиз давлатимизнинг юксак мукофоти Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб келишмоқда. Жорий йилга келиб уларнинг сони 182 нафарни ташкил қилди.

Бу мукофот совриндорларини эътибордан четда қолдирмаслик, жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, иш фаолиятлари билан яқиндан танишиш ҳамда уларни қийнаётган муаммоларни бартараф қилишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида учрашув уюштирилди.

Хафта охиригача давом этадиган мулоқотга ушбу нуфузли мукофотни қўлга киритган қизларнинг барчаси тақлиф этилган.

Мониторинг тарзида ўтказилаётган мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этмоқда.

Фаргона вилояти

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Қўқон шаҳар махсус энгил sanoat касб-хунар коллежида давра суҳбати уюштирилди. Мутахассислардан иборат гуруҳ аъзолари қизларни касбга йўналтириш бўйича ташкил этилган тикув цехи, ўқувчиларга хизмат қилаётган Ахборот-ресурс маркази фаолияти, ошхона ва ётоқхоналарда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. 200 ўринли мазкур коллеж қошида 12 та синфда ўзбек ва рус тилларида дарслар ўтказилмоқда, 1 та компьютер, 2 та лингафон синфи, физика, кимё, биология, лаборатория хоналари бугунги кун талаблари асосида жиҳозланган.

Тадбир дастури доирасида ўқувчилар билан маънавий тарбия, мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уларнинг касб-хунар эгаллаши билан боғлиқ долзарб муаммолар бўйича ўтказилган кизиқарли мулоқот ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тошкент вилояти

Чиноз туманидаги 5-сонли ихтисослаштирилган қиз болалар учун ёпиқ турдаги мактаб-интернати тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида ёшлар тарбияси, уларнинг ҳақ-хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

Сирдарё вилояти

Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида жойлашган ўғил болалар махсус коллежида ўтказилган учрашув ҳам йилгиларларда катта таассурот қолдирди. Қолаверса, мазкур тарбия масканида маънавий-маърифий ва айрим ташкилий ишлар борасида йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокими томонидан тузилган ишчи гуруҳи тегишли чоралар кўриш юзасидан режа ишлаб чиқилди.

Очиқ мулоқот тарзида уюштирилган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова қатнашди.

Гулжамол АСҚАРОВА,
кўмита бош мутахассиси.

...Ўшанда 2004 йилнинг баҳори эди. Барвақт уйғонган Баҳромжон ҳовлини бир айланиб, боғдаги қийғос очилган даррах гулларига нигоҳ ташларкан, табиатнинг бетакорор гўзаллигига ҳавас билан боқди. Яшилликка чулғанаётган томорқани айланиб, ул-бул ишлар билан андармон бўлди. Турмуш ўртоғи Бўрихон опа эса эрталабки нуношани тайёрлаб қўйган экан. Шоша-пиша оққатланиб, ишхонасига жўнади. Остонадан ҳатлаётганда юради қандайдир ганилик борлигини сездирмади...

Худого минг қатла шукр, шундай меҳрибон оилам, дўст-биродарларим бор экан, ёлғизлатиб қўйишгани йўқ. Қўлларидан келгунча ёрдам беришяпти.

1965 йилнинг 9 февралда туғилган Баҳром Зоиров Гузор туманидаги Бойқишлоқда яшайди. Туман электр алоқа боғламасида 24 йил ҳалол меҳнат қилган йигит тақдирнинг кутилмаган оғир синовларини энгши учун ўзида куч топа олди. Одам тафтини одам олар экан. Оғир дамларда жамоаси ёнида

да эса набиралари бобосини зериктирмайди.

— Баҳромжон Зоировнинг қилаётган хайрли ишларидан тўрт мучаси соғлар ҳам ибрат олга арзийди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Хўжақулова. — Имкониётдан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик билан ҳам шуғулланди. «Шахризода-Феруза» фирмаси ҳисобидан «Нигора» чой-ноҳасини очиб, аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳовлиси шундоққина «Қарши-Гузор» катта йўлининг устида эмасми, бу ер ҳаммиша миҳозлар билан гавжум. Ўзи бўлса аравачада юриб ҳам ишларини бажариб кетаверади. Тиниб-тиничмас Баҳромжон аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маҳалла аёллари учун тикувчилик, бичувчи ва пардозловчи, элита пардалар тикадиган хизматни ҳам йўлга қўйиш орқали 20 нафардан ортиқ хотин-қизларни иш билан таъминлашни мақсад қилган.

Ҳовлисида мўъжазгина иссиқхона бор. Бу ерда тўрт фаслда ҳам ажойиб қўқат, сабзаёт, резавор маҳсулотлар етиштирилади.

— Оилавий тадбиркорликни янада кенгайтириш учун «Микрокредитбанк»дан маблағ олдиқ, — дейди Баҳром Зоиров. — Ушбу фаолиятни йўлга қўйсак, қишин-ёзин дастурхонимиздан мева-чева аримайди. Ахир, бугунги замон талаби ҳам шу-да.

— Баҳромжон кўча-қўйда бирон фойдали иш билан шуғулланмасдан, нуқул нолиб юрадиган ноинсоф одамларни ҳам кўраман. Шундайларга Баҳромжоннинг қилаётган савобли амалларини ибрат қилиб кўрсатаман, — дейди «Ҳазрати Луқман» фермер ҳўжалиги раҳбари Ашур бобо Мойлиев. — Бундай инсонларга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Шунинг ўзи ҳақиқий жасорат эмасми?

...Бир зумда ҳовлини катта-кичикнинг шодон қувонч-қулгунлари тўлдириб юборди. Жонкуяр жигарғушалари Ғайратжон, Ҳикматилла, опалари Саломат ва Каромат ва бир этак невараларини бошлаб келган 80 ёшли Хосият момолар Баҳромжонни йўқлаб келишди. Шу кунининг унинг туғилган кунини эди...

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Қаشقадарё вилояти.

**БАҲОР ҚАЙТИБ
КЕЛАВЕРАДИ**



Туман электр алоқа боғламаси идорасига бир пасда етиб келди. Дарвожа ёнида бошлиқ кутиб турган экан.

— Баҳром ака, яхши келдингизми, шошилини иш чиқиб қолди сизга. «Тоҳир-Зухра» йўналишидаги симёғочларда сим узилибди.

Шу заҳоти Баҳром Зоиров ҳамкасблари билан йўлга тушди. Бирпасда узилган симлар тортилиб, қайта тикланди, алоқа линияси яна ўз маромида ишлаб бошлади. Ишни тугатиб, симёғочдан тушаётган пайтда кутилмаганда хавфсизлик камаридаги носозлик панд берди...

— Нима бўлганини билмай қолдим, — дейди Баҳромжон ўша ноҳуш воқеа рўй берган кунни эсларкан. — Кўзимни очсам, шифохонада ётибман. Тақдирда бор экан-да шундай қисмат. Маъна, саккиз йилки уйдаман.

бўлди, малакали шифокорлар хизматини аямасди. Туман ноғиронлар жамияти, тармоқ касабаси уюшма кўмитаси вакиллари тез-тез хабар олиб туришди. Байрамлар, қувончли кунларини севимли жамоаси, қўни-қўшнилари, ёр-биродарлари билан бирга кутиб олади.

Биз Баҳромжон билан кўришган кун туман ноғиронлар жамияти раиси Абдурашид Муҳиддинов, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлими, Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ҳам бу оиладан хабар олгани келишган экан. Турмуш ўртоғи Бўрихон Чоршанбиева энг оғир лаҳзаларда унинг кўнглини кўтарди, руҳлантирди. Олти нафар фарзандни ақлли, оқил ва баркамол бўлиб воғга етишида яқиндан кўмаклашди. Бугунги кун-

Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилишида чуқур раъий маъно бор. «Бунинг негизидан, — дейди Президентимиз ўз маърузаларида, — оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини энгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.»

Демакки, мустаҳкам оила — юксак жамият, юксак жамият — қудратли давлат дегани. Хўш, бугунги кунда оилалар фаровонлиги, аҳиллигини таъминлаш йўлида оила институтларининг ўрни

ВАТАН ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

ва роли қай даражада деган ҳақли савол туғилади. Бу ҳақда республика «Оила» илмий-амалий марказининг етакчи илмий ходими, педагогика фанлари номзоди, доцент Даврон Холиқов шундай мулоҳаза юритади:

— Ақлли, хушмуомала, одобли инсонлар ҳақида гап очилса, «Шундай ибратли оиланинг фарзанди-да», деган ибората ургу берилади. Дарҳақиқат, давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида оила масаласига ҳам катта эътибор берилди бошланди. Оила фаровонлигини таъминлаш, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза этиш, бу борадаги миллий қадрият-

ларимизни тиклаш сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил 2 февралда Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан «Оила» илмий-амалий маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Шунингдек, республикамизнинг барча вилоятларида хотин-қизлар кўмиталари қошида оила институтлари ташкил қилинди.

Оила зиммасидаги муқаддас вазифа — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлашдан иборат. Шу маънода, марказимизнинг асосий мақсади, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифамиз оиланинг ижтимоий жиҳатдан тўлақонли ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий ва тиббий муаммолари-

ни тадқиқ этиш билан бирга, эришилган натижаларни кенг жамоатчилик орасида ташвиқот-тарғибот этишдан иборат.

Ҳар бир вилоят ва туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда оила марказлари жамоатчилик асосида йигитни бошлаган эди. Шунингдек, республикамизнинг барча вилоятларида хотин-қизлар кўмиталари қошида оила институтлари ташкил қилинди.

Марказимиз томонидан маҳаллаларда яшанба мактаблари очилган бўлиб, айрим ўзини дағи мавжуд интеллектини намоеён қила олмаётган тиббий биологик томондан ноғирон болаларга қандай муносабатда бўлиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш борасида махсус ўқув режалари ишлаб чиқилиб, уларнинг ота-оналари иштирокида

дарслар уюштирилмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўқув дастурлари тузилиб, касб-хунар коллежлари, лицей, мактабларнинг ўқув режаларига оила педагогикаси, оила психологияси, оилашунослик каби фанлар киритилди. Ушбу фанларни ўқитиш учун тайёрланган кадрлар, психолог-ўқитувчилар ҳар икки йилда бир марта маҳаллаларга бориб, оилалардаги келишмовчиликлар ва бошқа айрим салбий иллатларнинг олдини олишга оид мавзуларда маърузалар ўқишади.

Йўлаймизки, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган берилган масъулиятли вазифалар марказимизни ҳодимлари учун ўзига хос дастуриямал бўлиб хизмат қилди.

Нилуфар САПАЕВА
ёзиб олди.

— Улуғбек, сиз Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажоновнинг фарзандисиз. Демокриманки, санъат соҳасида сиз отангизнинг соясида қолиб кетмай, ўз ўрнини гизга эга бўлиш, ном қошиш осон эмаслигини яхши билгансиз. Бу йўлни танлаганингиздан афсусланмай-сизми?

— Йўқ, негаки, халқимиздаги “Куш уясида кўрганини қилади” деган нақл бежиз айтилган эмас. Ахир отанинг касб-хунарини эгаллашни, унинг ишини келгусида давом эттиришни қайси фарзанд хохламайди? Бу жиҳатдан ҳеч ҳам хато қилмаганман. Бундан ташқари, санъатнинг нони “қаттиқ”лигини ҳам ёшлик пайтигдаёқ ҳис қилганман, билганман. Дадам менга ҳеч қачон “Менинг йўлимни давом эттиришинг, санъаткор бўлишинг керак”, демаган. Бу аввало ўзимнинг хошим, кўнгил майлим бўлган. Шунинг учун ҳам бу соҳани танлаганимда дадамнинг соясида қолиб кетмайманми, деган ўй бўлмаган. Тўғриси айтсам, отанинг

У санъаткорлар оиласида туғилиб, ўзига хос ижодий муҳитда ўсиб улғайди. Ҳали болалик чоғидаёқ унда соз чалишга, кўшиқ айтишга иштиёқ уйғонди. Тўққиз-ўн ёшидаёқ устозларга эргашиб айтган хиргойиларини эшитганлар унда ҳам истеъдоқ учкунлари борлигини пайқашган эди. Ҳавас орзуга, орзу эса мақсада айланди: аввалига мусиқа мактабиди, кейинчалик консерваторияда таҳсил олди. Санъатнинг мураккаб оламида ҳеч кимга ўхшамайдиган йўллари излади, ниҳоят унинг ҳам ўз мухлислари пайдо бўлди. Уни кўпчилик танийди, билади, у — хушовоз хонанда Улуғбек Отажонов.

Расулқори Мамадалиев, Фаттоҳон Мамадалиев, Маъмуржон Узоқов, Турғун Алиматовларнинг куй-кўшиқларини тинглаганимда улардаги мўъжизакор сеҳр-жозибани ҳис этганман. Бунинг сўзга таърифлаш қийин. Улар бизнинг фахримиз, гуруримиз. Мен уларни бугунги санъатимизнинг сарчашмалари, мустақам ва бақувват устунлари деб биламан.

— Кўшиқларни қай тарзда яратасиз? Ўз ижодхонангиз ва ҳамкорларингиз билан яқинроқ таништирсангиз.

— Ҳа, ўндан зиёд мусиқа асбобларини чалишни биламан. Соҳанда сифатида анча йиллар



Улуғбек ОТАЖОНОВ:

“МАВСУМИЙ”

ХОНАНДАЛИКДАН АСРАСИН!

машҳурлиги менга куч берган. Саҳнага чиқингизми, сал элнинг назарига тушдингизми, бас, демек, энди шу даражани ушлаб туришингиз керак. Ушлаб туришгина эмас, балки йилдан-йилга, кўшиқдан-кўшиққа ўсиб боришингиз керак. Ҳозир биласиз, тингловчининг диди ўта нозик, бунинг устига у жуда талабчан ва ўзгарувчан. Мабодо, кўшиқ айтишда сал танаффус қилсангиз, телевизор ёки радиога кўшиқларингиз берилмай қолса, дарров пайқайди. Хонандага мухлисларнинг “Нега кўринмай қолдингиз?” деган саволидан оғирроқ савол йўқ. Ёки бир-икита кўшиқингиз ёқмай қолса, ям тингловчининг ҳафсаласи пир бўлади.

— Ёшлик пайтларингиз, устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ёшлигимда Тошкентнинг Қоратош маҳалласида яшаганмиз. Хонандонимиздан атоқли ҳофизу хонандаларнинг қадами сира узилмасди. Сухбатларнинг доимий мавзуси санъат, кўшиқчилик бўлган. Мен бундай гурунларни жон кулогим билан тинглаганман. Катта саҳналарда юрган ҳофизларнинг ўзаро мулоқотлари менга ниҳоятда кизиқарли, гаройиб туюлган. Бешинчи синфдагимда Глиер номидаги мусиқа мактабига ўқишга олиб боришган. Бошида қийин бўлган, кейин аста-секин ўрганиб кетганман. Сўнгра Ўзбекистон Давлат консерваторияси (собиқ Тошкент давлат консерваторияси) нинг мақом бўлимида таҳсил олдим. Менга бу ерда ардоқли бастакор ва ҳофиз Улмас Расулов устозлик қилди. Албатта, ўзимнинг энг биринчи устозим сифатида ба-рибир дадамни эътироф этаман.

— Классик санъатимиз юлдузлари ижодиға муносабатингиз қандай?

— Болалик пайтидан бошлаб Қомилжон Отаниёзов,

мобайнида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахоновнинг гуруҳида қатнашганман. Ҳозирда эса аксарият кўшиқларимни ўзимнинг студиямда тайёрлапман. Санъатда истеъдод, меҳнат, билим ҳам баб-баравар керак. Бинобарин, кўшиқнинг мазмуни шеръ, мусиқа ва ижро уйғунлиги билан боғлиқ. Кўшиқни яратиш жараёнида мана шу уқликнинг мақсад-муддаоси битта бўлсагина кўнгилдагидек ижод намунаси яралади. Айрим кўшиқларни яратиш учун эса оила, ҳатто йиллаб меҳнат қилишга тўғри келади. Рост, яхши кўшиқ яратолсанг, кетган вақтингда, қилган меҳнатингга сира ачинмайсан. Кўпдан бери кўшиқчи шоирлардан бири Иброҳим Жиянов билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, Тоҳир Муҳаммад ва Ҳамробек Сиддиқовнинг шеръларига ҳам кўшиқ басталадик. Шу пайтгача тўртта альбомим чиққан.

Шу ўринда айтишим керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий эстрада санъатини ривожлантириш борасида катта ишлар қилинаётир. Ўтказилаётган кўплаб танловлар, санъат соҳасига кириб келаётган ёшларни рағбатлантириш учун таъсис этилаётган мукофотлар шундан далолат беради. Бизнинг вазирамиз, миллий қадриятларимиз ва аъёналаримизни тараннум этувчи, бадиий жиҳатдан пишиқ-пухта, мазмунан теран кўшиқлар яратиш.

— Тенгдошларингиздан кўпроқ кимларни тинглайсиз, қайсиларининг ижодиға ҳавас қиласиз?

— Бугунги кунда самарали ижод қилаётган Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитовларнинг кўшиқларини севиб эшитаман, уларга ҳавас қиламан. Улмас Оллоберганов билан консерваторияда бирга ўқиганимиз, ҳозирги кунда ҳам

миллий, ҳам эстрада йўналиши бўйича ўз устида жиддий ишлайётган иқтидорли хонанда сифатида эътироф этсак арзийди. Ешлардан Зиёданнинг кўшиқлари ёқади.

— Биламиз, ўзбекининг тўй-томошаси санъаткорсиз қизимайди. Лекин, афсуски, кейинги йилларда улар орасида ўзига бино қўйиш, мухлислари менсимаслик, пул, обрў талашиб, бир-бирини беҳурмат қилиш каби салбий ҳолатларга йўл қўйилаётганига кўпчилик гувоҳ. Хўш, сиз ҳам шу соҳа вақили сифатида бу каби кўнгилсиз воқеаларга қандай қарайсиз?

— Табиийки, тўй кўпчилик билан гўзал кечади. Бундай пайтда ҳар хил илтимослар бўлади, тўйбоп кўшиқларни ҳам қўйлашга тўғри келади. Бунинг хавфли тарафи, тингловчига эргашиб, унинг даражасига тушиб олиб, маза-матрасиз кўшиқлар айтишга берилиб қолсангиз, репертуарни бой берасиз. Шунинг учун доим меъёрни сақлаш лозим. Хонанда тингловчининг изидан юрмасин, аксинча тингловчи унга эргашсин.

— Улуғбек, нима деб ўйлайсиз, кейинги йилларда “машҳурлик касали”га чалинётган хонандалар кўпайиб кетди. Бу ниманинг таъсири?

— Мен ҳозиргача отамнинг тенгдош дўстлари, қўйингки, уларнинг сафдошларига ҳавасим келади. Кўп бора кузатганман. Биров яхши кўнига тақлиф қилиб келса, бир пилла чай узати, кейин холи-қудратини сўрайди. Ҳеч қачон шунча пул берсанг бораман, бўлмаса йўқ, деганларини эшитмаганман. Ёки кўча-қўйларда таниш-нота-ниш шинавандалар учраб қолса, қўлларини кўксига қўйиб, раҳмат айтиб сўрашади. Ҳеч қачон кибр қилмайди. Ана сизга санъаткорнинг обрў-эътиборини эл орасида белги-

лайдиган мезон. Ҳозиргиларчи? Икхита кўшиқ айтиб сал-пал танилиб қолса борми, тамом, ундан зўри йўқдай ҳис қилади ўзини. Кейин нима бўлади, на туғма истеъдоди, на бирон тайинли маълумоти, на дид-савияси бўлган «мавсумий хонанда» ҳаваскорлик даражасидан ошолмайди, аро йўлда сарсон юраверади. Ана шундай бўлиб қолишдан Худонинг ўзи асра-син!

— Газетамиз йўналишидан келиб чиқиб берадиган саволимиз, оила мустақамлигида, фарзандлар тарбиясида эр-хотиннинг ўрни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Бу борада тарози тенг бўлиши керак, яъни эр-хотиннинг бирини юқори, бирини паст қўйиб бўлмайди. Уларни оиланинг икки қаноти десак, жуда тўғри бўлади. Ота оиланинг моддий тарафларини таъминласа, рўзгор бутлигини ўйласа, она фарзандларни дунёга келтиради, уларни тарбиялайди. Демак, оилада ҳар ким ўзининг ўрнини топгани маъқул. Болалар тарбиясида ҳам ана шундай муҳим мезонлардан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим. Бинобарин, бола тарбиясида онанинг меҳрибонлиги билан отанинг одиллиги ва қаттиққўллиги уйғун бўлиши керак. Икки ўғлимиз бор. Уларнинг иккалеси ўрта мактабда ўқишдан ташқари мусиқа соҳасида ҳам таълим олишмоқда. Мен эртанги кунда улардан албатта, мусиқачи ёки кўшиқчи чиқади, деб айтмайман, бунга уларни мажбурламайман ҳам. Улар қайси касб-хунарни эгаллашадан қатъи назар, аввало санъатни ҳурмат қилсин, асосийси, жамиятимизга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишсин.

“Оила ва жамият” муҳбири Алишер АЗИМОВ сўхбатлашди.



ПАТИР — тилимизда оширилмаган хамирдан тайёрланган нон маъносини билдирган “патир” сўзининг асл илдизи “нонушта қилди” деган мазмунни англатган.

Мезон меҳмонга тавозе билан қараб олди-да, сўнг дастурхондаги патирни ушатди.

Журналдан

ЯГАНА — тилимизда ердан эндигина ўсиб чиққан экинлар ва ниҳолларнинг ортиқчасини қолиб ташлаш “ягана” сўзи билан ифодаланади. “Ягана” сўзи асли “ягона” сўзининг бироз ўзгарган шаклидир.

Ўза қаторларини ягана қилмоқ.

КАМАЛАК — Қуёш нурининг ёмғир, фаввора томчиларида синиши натижасида ҳавода турли рангларда ярим доира шаклида кўринадиган табиат ҳодисаси тилимизда “камалак” сўзи билан ифодаланади. Хўш, бу сўз қандай пайдо бўлган? Қадимий ов ва жанг қуроли ёй, камон ҳам “камалак” деб айтилган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “камон” сўзига “-ак” қўшимчасини қўйиш билан дастлаб “камонак” сўзи пайдо бўлган ва у кейинчалик “каманақ” шаклига келган. Ва ниҳоят, “каманақ” сўзи бироз ўзгариб “камалак” сўзи пайдо бўлган.

Эрмана полвон камалагидан девга қараб ўқ узибди.

“Олтин бешиқ” эртагидан

ЎМГАН — тилимизда энг қадимий сўзлардан бири бўлган “ўмган” сўзи “кўкрак”, “тўш” деган маъноларни англатади. Бу сўзининг туб илдизи қадимги тилимизда “бўртиб тур” деган маънони билдирган “ўм” феълидир. Тилимиздаги “ўмров” сўзининг илдизи ҳам “ўмган” сўзининг илдизи билан туташади. Шунинг учун ҳам “ўмров” сўзи “кўкрак”, “отнинг кўкраги” маъносини англатади.

Ўткир сўз ўмгани тешар.

Мақол

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Саратоннинг жазирама кунларида кўпчилигимиз юртимизнинг табиати баҳаво, соясалқин гўшаларига йўл оламиз. Албатта, ҳамма ҳам энг аввало моддий жиҳатдан қулай, муҳими, ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳордиқ чиқаришга мос жойни танлайди. Ана шундай ажойиб масканлардан бири Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани, Нурбулоқ шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон касаба уюмлари федерацияси кенгаши курортлар бошқармасига қарашли Абу Али ибн Сино санаторийсидир.

Исми-жисмига монанд Нурбулоқдан отилиб чиққан маъданли иссиқ сувнинг довуғи элик йилдан буён узок-узокларга ёйилган. Ажабланарлиси,

ошқозон ва ичак тизимларида турли касалликлари бор беморлар келишади, табиийки, олинган муолажалар бир қатор дардларга малҳам бўлаётир. 700 метр ер қаъридан 37-43 даража иссиқликда чиқади-ган ушбу мўъжизакор сув икки хил. Унинг биринчиси асаб, юрак, қон айланиши касалликлари, аёллар ва эркаклардаги бепуштлиқ, куйишдан қолган асоратлар, экзема, аллергия, нейродермит касалликларига даво бўлса, иккин-

Соғлигимиз — бойлигимиз



Демак, биз ҳам ана шу масъуданиятга яраша ишлашимиз, фаолиятимизни кучайтиришимиз лозим.

Замондошларимиз

САВОБЛИ ХИЗМАТ СОҲИБЛАРИ

Яқинда рўзгоримизга нимадир керак бўлди-ю, Куйи Чирчик тумани маркази Дўстободдаги хўжалик ва қурилиш моллари дўконига киришга тўғри келди. Мен аввало дўкон пештахталарининг ҳар хил молларга тўлалигини кўриб хурсанд бўлдим. Айниқса, сотувчи опанинг харидорларга қурилишга керакли жиҳозларни танлашда чинакам мутахассислардек маслаҳат бериши эътиборимни тортиди.

— Кўп йиллардан буён хўжалик ва қурилиш моллари дўконидан савдо қилиб келаман, — дейди “Жўраев Абдуқодир” дўқони раҳбари Муқаддас Жўраева. — Шу соҳада ишлайвергандан кейин ўзимиз ҳам усталардек қурилиш ашёларини номлашидан тортиб, уларнинг қандай тарзда ишлатилишигача билиб қолганмиз. Бизларга бу касб отамерос. Дадамиз ва аямиз ҳам қирқ йилдан зиёдроқ вақт давомида шу соҳада ишлаган.

— Носир ака билан энди турмуш қурган пайтларимизда ҳали савдо соҳасидан бутунлай беҳабар эдим, — дейди Муқаддас опа-



нинг онаси Мукаррам ая биз билан суҳбатда. — Турмуш ўртоғимнинг дўконда ишлашини билардим, аммо юмушлари бу даражада қийинлигини билмасдим. У киши уйга қайтганларида ҳам дўкондаги қирим-чикимни ҳисоб-китоб қилишдан эринмасдилар. Албатта, ўша йилларда савдода ишлашининг ўзи бўлмасди.

Шу ўринда бир воқеани айтиб бера қолай: умр йўлдошим бир неча йил мисқоллаб йиққан пулига машина сотиб олди-ю, лекин кимнинг номига расмийлаштириш борасида иккиланиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб улони тоғаларининг номига ҳужжатлаштирди. Мабода бирор жойга бормоқчи бўлса, тоғаларини ҳам шерик қилиб олиб кетарди. Ўша маҳаллари мулкчилик, хусусий бизнес деган гап-сўзлар қаёқда. Минг шукр, мустақиллик йилларига келиб, хусусий тадбиркор сифатида дўқонни ишлатиб келяпмиз. Ҳозир замон бошқача, солиқларни ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўла-сангиз, ҳалол бўлсангиз ва миқдорлар ишончини қозонсангиз ишонгиз ривожланиб кетаверади. Бугун шу ҳудуд аҳолисининг юзлаб турдаги моллар билан узлуксиз равишда таъминлаб келяпмиз. 2 та юк машинаси қурилиш ва хўжалик ашёларини миқдорларга ўз вақтида етказиб бermoқда. Бу ҳам аҳолига қулайлик, тўғрими? Ҳа айтганча, қизларим Муқаддас, Мухайё, Раъно ҳам бизларнинг изимиздан бориб, савдо соҳасини танлаб кам бўлишмади.

Таъкидлаш керакки, Носир ака ва Мукаррам ая Жўраевларнинг аҳил оиласи бутун маҳаллага ибрат. Бу икки инсоннинг беш фарзанди бугун ўзларидан кўпайиб, йигирма беш набира, битта чевара бува-бувиларининг қувончига қувонч қўшмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Тошкент вилояти.

НУРБУЛОҚНИНГ ШИФОБАХШ СУВЛАРИ

тоза ичимлик суви тақчил ҳудудда истикомат қилаётган аҳоли бу оби ҳаётдан ича бошлагач оёқ, қўл, бел, бош оғриғи каби хасталиклардан батамом фориг бўлганлиги исботланган.

Мўъжизакор сувнинг довуғи нафақат Ўрта Осиё, балки Россия, Украина, Болтиқбўйи давлатларига ҳам етиб борди. Натижада 1991 йилда денгиз сатҳидан 500 метр баландлик-

чиси давлат стандартига кўра, Украинанинг машҳур Феодосия шаҳридаги сувларга ўхшаш. Шифобахш обихаёт неврологик ва урологик касалликларни даволайди. Мутахассислар ҳулосасига кўра, санаторийдаги родонли сув тиббий хусусиятига кўра, машҳур Цхалтуба сувидан афзалроқ эканлиги аниқланган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, санаторий баъзи бир касалликларни даволаш бўйича республикамизда ягонадир. Айни чоғда бу масканга мамлакатимиз аҳолисидан ташқари, қўшни давлатлардан ҳам фуқаролар ташриф буюриб, мароқли дам олиб, ўз саломатликларини тиклаб кетишмоқда.

— Худудимиздан чиққан маъданли сув беморнинг касаллигини даволаш бўйича республикамизда ягонадир. Айни чоғда бу масканга мамлакатимиз аҳолисидан ташқари, қўшни давлатлардан ҳам фуқаролар ташриф буюриб, мароқли дам олиб, ўз саломатликларини тиклаб кетишмоқда.

— Худудимиздан чиққан маъданли сув беморнинг касаллигини даволаш бўйича республикамизда ягонадир. Айни чоғда бу масканга мамлакатимиз аҳолисидан ташқари, қўшни давлатлардан ҳам фуқаролар ташриф буюриб, мароқли дам олиб, ўз саломатликларини тиклаб кетишмоқда.

— Худудимиздан чиққан маъданли сув беморнинг касаллигини даволаш бўйича республикамизда ягонадир. Айни чоғда бу масканга мамлакатимиз аҳолисидан ташқари, қўшни давлатлардан ҳам фуқаролар ташриф буюриб, мароқли дам олиб, ўз саломатликларини тиклаб кетишмоқда.

— Илгари ҳам мамлакатимизнинг кўплаб санаторийларида дам олганман, — дейди шовотлик Аразмат ота Режепов. — Лекин оғим оғриғига шу ердан даво топдим.

— Мен Чироқчи туманидан келдим, — дейди ўзини Қундуз Эшматова дея таништирган онахон. — Бу ерга иккинчи марта келишим, ҳозир аҳволим жуда яхши. Икклими, суви, муолажаларига гап йўқ.

Дарвоқе, санаторийда 5 нафар врач, 21 нафар ўрта тиббиёт ходимлари дам олувчиларга беминнат хизмат қилишмоқда. Санаторийдаги сўнги русумдаги телевизорлар, юмшоқ мебеллар, дам олиш учун замонавий жиҳозланган ётоқлар, клуб, спорт майдончаси, бильярдхона, ошхона миқдорлар хизматида. Ҳар бир ётоқхонага ҳам телевизор ва музлаткич ўрнатилган.

Европалик олимлардан бери “Ўзини яхши кўрган одам ҳеч бўлмаса бир ойгина дам олишга вақт топа олади”, дея бежиз айтмаган. Биз ушбу муҳтасар мақоламизда даволаш ва дам олиш маскани фаолиятининг айрим жиҳатларини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Сизга маслаҳатимиз, яхшиси, “Абу Али ибн Сино”нинг мўъжизакор сир-асрорларини минг марта эшитгандан кўра, бир марта ўз кўзингиз билан кўрмоқчи бўлсангиз, бу масканни бир марта зиёрат қилинг.

Хошим ОРЗИҚУЛОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.



да 100 ўринга мўлжалланган маъкур шифо маскани барпо этилди. Йилдан-йилга санаторий фаолияти кенгайиб, даволаш турлари кўпайди, замонавий даволаш ва диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

— Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади, деганларидек, ҳаммамиз ҳам инсон учун саломатликдан ортик бойлик йўқлигини яхши биламиз-у, лекин баъзан ҳафсаласизлик қиламиз, — дейди “Абу Али ибн Сино” номли масъулият чекланган жамияти раҳбари Тўлқин ТУРДИЕВ. — Бу ерга асосан

ҲИҚМАТ САДОЛАРИ

Нопок одамни овқатдан йироқ тутиш керак, нопок кишини қилган овқати ҳам нопок бўлади.

Одамга тўғрилик, хушфевъллик хислатлари зарурдир, у шулар туфайли тилаган тилақларига етади.

«Қутағду билиг»дан



Дилбандимиз Нозимахон (ўнгда) ва келинимиз Юлдузхонларни таваллуд кунлари билан чин дилдан табриклаймиз. Ҳар иккаласининг ҳам умр ва бахт йўллари ойдан бўлсин. Умр йўлдошлари билан кўша қаришсин. Самимий эҳтиром билан

Назирахон ва Зоир ЖўРАЕВлар оиласи.
Тошкент шаҳри Ҳамза тумани.



ООО «Академпресса» ликвидирруется. Все претензии принимаются до 5 сентября 2012 г. по адресу г. Ташкент, 100011, ул. Навои, д. 16 а, офис 222.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

РЕКЛАМА•РЕКЛАМА•РЕКЛАМА•РЕКЛАМА•РЕКЛАМА•РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

кунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- | | |
|---|--|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. | Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун). |
| Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой. | Каштачилик — 3 ой (машинадаги вышивка). |
| Хамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт. | Тўкувчилик — 2-3 ой. |
| Хамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан). | Инглиз тили — 3 ой. |
| Тиббий массааж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой. | Рус тили — 3 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой. | Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой. |
| Пишириқлар олий курси — 1 ой. | Сунъий гул ясаш — 1-2 ой. |
| Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой. | Компьютер сабоқлари — 2 ой. |
| Аёллар сартарошлиғи — 3 ой. | Интернет — 1 ой. |
| Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой. | Барчаси амалиёти билан Ётоқхона мавжуд. |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. | |

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.
МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехон бозори орқасида.

Тол: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (қундузи)

Одатда ота-она ўз ўлига келин қилиш учун бирор хонадонга совчи бўлиб боришади. Таомил шунақа. Тўғри, ҳозирги пайтда айрим ҳовлиқмалар «Қизлар кўлаиб кетаяпти, шу кетишда бўлса, ҳадемай йигитникига совчиликка борамиз-ов» деб пичинг қилишади. Лекин бу айрим йигитларнинг ношудлигига ишора аслида.

Йўқ, Аъзам ота таомилни бузмади. Фақат кўпчилик ишонмайдиган, ҳеч ким Заргар қишлоғида ҳозиргача қилмаган ишга қўл урди. Анкироғи, куёви Саҳобиддин учун совчи бўлиб борди. Гарчи оғзига кучи етмайдиганлар ортиқча гап-сўз қилишса-да, кўп ўтмай ёши катталар отахоннинг танглигини, оқиллигини тан олишди.

Аъзам ота асли шифокор. 17 йил қишлоқ врачлик шифохонасида раҳбар бўлди. Қишлоғи Тошкентнинг шундоқ биқинида. Қанча имконият бўлмасин, шарҳда ишлашнинг, яшашнинг маъқул кўрмади. Ишдан кейин ҳовлида қиладиган деҳқончилигидан кечгиси келмади. Болаларим меҳнатга, ҳалол яшашга ўрганди, деди.

Урушдан кейинги очарчиликни бошдан кечирган бола тез улғайди. Салтанат хола ўзига ўхшаган меҳнаткаш, қаноатли чиқди. Шифокорлиги учун болаларини оқ ювиб, оқ таради, саранжом-сарихталликка ўргатди. Уч ўғил, бир қизни вояга етказишди. Худого шукур, барчасини уйли-жойли қилишди. Мабоодо тўплаган қоллиқ, ҳовли бола-чақага тўлиб кетди. Бундай пайтда Аъзам ота беш-олти йилдан бери азоб бериб келатган қон босими, сингани туфайли операция бўлган оёғидаги оғриқни ҳам унутиб юборди. Оғзидан дуо ташмади:

— Ишқилиб, ҳаммасининг бахтини берсин...

Надоматлар бўлсинким, тақдир Аъзам отанинг илтижоларига қулқол солмади. Ёлғиз қизи Маҳдума тасодифан оғир хасталикка чалиниб, қаза қилди. Беш ёшли қизи ва икки яшар ўғли чирқираб қолди.

— Эй, Худо! Шунча синовларинг етмасмиди?! Фарзанд доғига қандай чидайман бу ёшимда энди...

Ота адоий тамом бўлди. Уйдагиларга билдирмай, ётоқхонасига кириб ўқиб йиғлаб олади. Унча-бунча билан гап-лашмайди, кундузи етим неваралари билан овонади, кун боти дегунча оғир ашулаларни эшитиб юрагини бўшатди.

Ёлғиз қизим, узоққа кетиб қолмасин, деб Маҳдумани қишлоққа узатди. Хокисор, тинч оила. Куёви ҳам мулоимгина йигит. Кўп ўтмай, қудалари бирин-кетин бандаликни бажо келтиришди. Чол-кампири дастлаб навбати билан уларникида бўлиб туришди. Ҳарқалай, куёв ҳам қобил чиқди, Маҳдума билан бирга оғир кунларни енгилди, рўзгорни йўлга қўйишди.

Энди эса куёви Саҳобиддин хайхотдай ўйда ёлғиз. Болаларку отанинг унчанан жилгиси келмайди. Аммо ота уларни урда-лай олмайди. Икки ҳовли ўртасида қатнагани қатнаган. Куёвигашу қадар меҳр қўйган эканки, унга ичи ачийди, раҳми келади. Саҳобиддин эса хотинидан ажралиб қийналгани етмаганидек, қайночасининг меҳрибонлигидан ўзини ноқулай сезади:

— Ота, сизни ҳам роса кийнаб қўйдим... Шундоқ ҳам дардингиз ўзингизга етиб ортади, уэр...

Отанинг эса бағри тўла гам, кўзларида ёш қалқийди.

— Изтироб ҳам юк, болам. Бир киши кўтарса майиб бўлади. Ҳозир ҳаммамизга ҳам оғир. Сизни фарзандим деб қабул қилганман. Мана бу норасидаларда менинг ҳам қоним бор, ахир...

— Раҳмат, ота. Сизлардан бошқа кимим бор? Болаларга қийин бўлди. Икки ўртада овораси чиқмасин дейман. Бошим қотган. Ишимда ҳам тинчим йўқ.

— Энди, ўғлим, бу кўргулик бошимизда бор экан. Ҳадисларда ҳам аввало тирикларни

қунда бир келиб, қизининг қабрига янги узылган атиргул қўйиб кетишини билади. Лекин кеча келувди, қўлида гул ҳам йўқ. Барибўр қарияни саволга тутгиси келмади. Отахон ўзи изоҳ берди:

— Бир хабар олай дегандим...

Аъзам ота Маҳдуманинг қабри олдида ўтириб олиб, узоқ тортган қилди. Юзига фотиҳа торғат, салмоқ билан гап бошлади:

— Қизгинам, илоҳим жойинг жаннатда бўлсин, қабринг нурга тўлсин! Мен осий отангни кечир, сени асрай олмадим, гафлатда қолдим. Гуноҳим устига гуноҳ қўшилмасин дейман. Болаларининг бекам камолга етишини ўйладим. Сендан узр

си тўлиб турган Салтанат аянинг кўнглини юмшатди.

— Билмадим, дадаси. Одамлар, қишлоқ нима дейди? Биронинг уйига куёвимиз учун совчи бўлиб борсақ, эшитганлар не дейди? Саҳобиддин бунга кўнармикан? Болалар-чи, қабул қилармикан бошқа аёлни? Яхшилик қиламиз деб кўнглини оғритиб қўймайлик тагин.

— Очиғи, бир ой ичида қишлоқдаги ҳар бир ҳовлига кириб қикдим. Ҳамма қиз-у аёлни ўргандим. Бир кун Фуломжонни аравачага миндириб гулчи Аҳмаджоннига бордим. Катта қизи эри билан ажрашиб келган. Бояқиш эри билан эрим йил ҳам яшамаган экан. Ичармикан, чекармикан-эй, ишқилиб, эри ноқобил чиқибди, шўрликни роса қийнаб, кетишга мажбур қилган кўринади. Лекин Нафиса коллежни битирган, қўлида гулдай хунари бор экан. Фуломжон билан роса ўйнади. Оиласи ҳам биз учун синаштали.

Салтанат ая гапиролмади. Пиқ-пиқ йиғлаб, нариги уйга ўтиб кетди...

Эртасига пешинда Аъзам ота амакисининг ўғли ва Саҳобиддиннинг акасини эргаштириб, Аҳмад гулчиникига борди. Бир пиёла чой ичишгач, қимти-ниб гап бошлади.

— Шу, Аҳмаджон, ҳузурингизга элчи бўлиб келдик, айбга буюрмайсиз...

— Аъзам ота, уч ўғлингиз ҳам уйланган, невараларингиз хали ёш эмасми?

— Ҳалиги, тўғриси, куёвим Саҳобиддинжонга катта қизингизни сўраб келдим.

Аҳмад гулчи жимиб қолди. Ёнидаги укаси ҳам миқ этмади. Ҳеч одам куёвигача қиз сўраб келадими?

Бир томондан уларни ташунса бўлар, икки нафар невараси етим қолди. Саҳобиддиннинг ҳеч кими йўқ. Нафиса ҳам 25 га кирди. Аммо у...

— Билмадим, Аъзам ота. Кўпни кўрган, ўйлаб иш қиладиган одамсиз. Бир нарса дея олмайман. Бир ўйлашиб кўрайлик-чи...

Қишлоқчилик, сермулоҳаза кишилар бўлгани учун улар одатдагидек хайрлашдилар. Уй соҳибининг муомаласида ҳеч нарса аён эмасди. Аммо Аъзам ота уйга енгил тортиб келди. У кўнглидаги савобли юмушни бошлаганига хурсанд эди.

Кичкина қишлоқда гап турмайди. Икки кун ўтгач, кенжа келин гап топиб келди:

— Нафиса ҳам инон-ихтиёр ота-онамда, дебди. Аҳмад гулчи эса «Аъзам отадек обрўли одамнинг раъйини қайтаролмаймиз» дебди...

Ўн бир ойдан буён азадаги ҳовлига илиқлик тарқалгандек бўлди. Ҳамма очилиб гапирадиган, ниманидир тадориги ҳақида сўзлайдиган бўлди. Яқшанба кун ичхам тантана билан Нафисани Саҳобиддиннинг уйига келтиришди. Лекин чол-кампири хали энг оғир, энг нозик синов кутарди.

Улар уйга қайтиши билан неваралари ўраб олишди.

— Бобожон, аям қанилар, нега бизни кўргани келмаяптилар?


Ҳаммасидан икки ёшли Фуломжоннинг илтижосига жавоб бериш қийин:

— Ойимни соғиндим, кўргим келаяпти. Ойимни чақиринг, бобожон...

Болаларнинг кўнгли нима-нидир сезган. О, норасидала-

Фармон ТОШЕВ

ОТА



ўйланганлар, дейилган.

— Уларни боғчага берсам, урдаб кетарман. Қолаверса, мана, сизлар бор. Салтанат холамга раҳмат. Онамнинг меҳрини бераяпти менга.

— Саҳобиддин, энди гап бундай. Мен кўп ўйладим. Маҳдуманинг вафотига ҳам олти ойдан ошди. Етимлик — оғир мусибат. Бу болаларга онанинг, аёлнинг меҳри керак. Ҳозирча бу гап икковимизнинг ўртамазда қолсин. Ростини айтсам, сизни уйлантирмақчиман.

— Ота, нималар деяпсиз, юрагим тўла гам, кўнглимга аёл сизгадими шу топда!? Маҳдуманининг руҳи безовта бўлади, ахир... Мен унга юрагимни бағишлаганман.

— Ўғлим, болалари ишончли қўлда бўлса, Маҳдуманинг руҳи шод бўлади. Одамларнинг гапига эътибор берманг. Она-сиз ўсган боланинг меҳри қаттиқ келади. Бу гапларни айтиш менга осон эмас.

Улар ўшанда индамай тарқалишди. Битта гап ҳам ортиқча эди. Куёв ва қайнота ўзларича ичларидо хулоса қилишди.

Аъзам отанинг кўнгли бир-мунча таскин топгандек бўлди. Дилидан бир нарса кечирди, шекилли, тўғри Зартепа қабристонига борди.

Дарвоза олдидаги пешайвонда қоровул Саид ака ўтирган экан. У отахоннинг ҳар икки

ва изн сўраб келдим. Қизинг ва ўғлингга она топаман, болам. Виждоним шу йўлга бошлади. Куйиб адо бўлган онангни, эрингни айблама. Уволи ҳам, савоби ҳам ўзимнинг гарданамда. Кечир, қизим, олдиндан ўтай деб келдим...

Ўша кундан кейин Аъзам ота икки ёшли неварасини аравачага миндириб, кунига икки маҳал қишлоқ кўчаларини айланишни одат қилди. Йўлда дуч келганларнинг айримлари билан енгил қиришиб ўтади, айримлари бўридан қўлга олиб олади. Баъзи ҳовлиларга эринмасдан кириб ҳам чиқади.

Икки ойлар ўтгач, у хотинига маслаҳат солди.

— Салтанат, болаларни овора қилмайлик. Саҳобиддин ҳам ўғлинг. Невараларинг меҳр истаяпти. Уларга она керак.

— Худонинг синови ҳар бир бошда бор, дадаси. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Лекин не илож. Мен розиман, куёвингизга рухсат бераверинг, йили ўтгач, ейланаверсин...

— Хотин, Саҳобиддиннинг хайхотдай ҳовли-ю, икки норасидасидан бўлак кими бор? Маҳдумача қаттиқ кўнгли боғлаган экан. Шу ишни... ўзимиз қилсак, нима дейсан? Ҳарқалай, невараларимиз ўзимизга маъқул аёлнинг қўлида бўлсин дейман-да...

Отанинг охири фикри ўпка-



Хикоя

рим! Не қўйга қолдиларинг-а? Оналаринг ўрнига худо мана, меннинг жонимни олса бўлмасмиди?! Бу не кўргилик?!

Аъзам ота тақдирнинг оғир синовларини кўрган одам. Ичи тўла дард, кўздан ёш оқиб турса-да, невараларини бағрига босди, ўксик қалби лабига қўчди:

— Ойинглар келади, болаларим, албатта келади. Нима қилайлик, узоққа кетган-да. Мана мен ҳам, буving ҳам анча бўлди кўрмаганимизга. Насиб этса, бўғун-эрта келиб қолади. Уни кўрсак танимасак керак. Ўзгариб кетгандир.

Салтанат ая ҳам кўзида ёши билан болаларни қучиб эркалади:

— Юринглар, болаларим, ойиларинг келиб қолгандир. Ўзим уйингизга олиб бораман.

Уша лаҳзада бундай изтиробни кўтариш учун ота-онада тоғдек бардош керак эди. Тоғдек, ҳатто ундан-да улкан бардош топа олишди улар. Болалар кўзидаги қувонч, соғинч ва умид чол-кампирага қувват берди. Улар Саҳобиддиникига худди тўйга бораётгандек кўчани тўлдириб боришди.

— Бўди, ойим ўзгариб кетганларим-а?

— Ҳа, болам, у сизларни яхши қийимда қутиб олади...

Дарвоза тағида уларни Саҳобиддин қутиб олди. Дилида минг истиҳола, минг хил хаёл-у гумон. Ўзини қайнота-қайнонаси, болалари олдида гуноҳкордек хис қилади. Нафисага вазиятини тушунтирди. Ҳатто болаларга бирдек меҳр беришга келишиб олишди. Аммо... Ишқилиб, болалар ишонинсин-да...

— Дада, дадажон! У фарзандларини бағрига босар экан, ўпкаси тўлиб кетди: йиғлашнинг, қувонининг билмайди. Ичини нимадир тирнайди.

— Ойим келдими, дада? — Келди, болаларим, келди...

— Ур-ей, ойим кептилар! Эшик остонасида атлас либосда, юзига оқ ҳарир торган Нафиса турарди. У эгилиб таъзим қилди.

Бир дақиқа. Ана шу бир дақиқа иккала томон учун ҳаёт-мамот эди. Шу бир дақиқа ичида тақдир ҳал бўлади. Шу бир дақиқада иккала томондагиларнинг юраги ҳиқилдоғида тургандек. Нима бўлишини ҳеч ким билмайди, ҳеч ким айтолмайди. Фақат кўзлар, юраклар гапириб турибди.

Нафиса чидаб турулмади.

— Болажонларим... Фулом билан акаси ўзларини аёл бағрига уришди:

— Ойи, ойижон! Нега бунча узоқ кетиб қолдингиз? Ойижон, энди кетмайсиз-а?

Шу бир дақиқа янги дунёни кашф этди. Улар бир-бирига қаролмасдан ўқиб йиғлаётган чол-кампири ва Саҳобиддинни унутишганди. Бир-бирларига тўйиб олиш илнжидо қулиб, қиқирлаб гаплашарди, қулишарди...

Ҳовлига қайта нур, нурли ҳаёт, ҳаётинг бахт ёғилди гўё.

Саҳобиддин она-болаларни саранжом қилиб қўйилган қаддон уйга чорлади.

Улар дарвоза олдида чўкка тушиб, «Шукур, бахтли бўлишинг» деб дуо қилиб, ўз ҳовлиларига йўл олган қарияларнинг кетганини сезмай ҳам қолди.

Қилмиш-қидирмиш

**ҚИНФИР ЙЎЛДАН
КЕТМАДИ**

Музаффар Қосимов (исм-шарифлар шартли) даромад топишнинг енгил йўлини таллади. Яширин цех ташкил қилиб, қонунга хилоф тарзда пойфазал таглигини ишлаб чиқара бошлади. Лекин унинг қинғир ҳаракати шунчаки ташлаб қўйилмади.

Департамент ходимларининг саъй ҳаракатлари эвазига сохта ишбилармоннинг ноқонуний фаолияти тўхта-тилди. Яширин цехдаги жами 2 млн. сўмлик асбоб-ускуналар, 700 минг сўмдан ошиқроққа баҳоланган пойфазал тагликлари, қолип ва ярим тайёр резина маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Текширув давомида ҳуқуқбузар ўз фаолияти давомида хуфёна йўллар билан қарийб 5 млн. сўмлик электр энергиясини сарфлаганлиги аниқланди.

Шундай бўлса-да, ижтимоий хавфи катта бўлмаганлиги сабабли қонунбузарга нисбатан Жиноят процессуал кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноят иши қўзғатилмади, аксинча, унга тегишли кўрсатма ва амалий ёрдам берилди. Натижада, пойтахтимиздаги тадбиркорлик субъектлари сони яна биттага, иш ўринлари сони эса яна бир нечтага орди.

Абдужаббор МУЛЛАЖОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК департаменти
Тошкент шаҳар
Юнусобод туман
бўлим бошлиғи.

**СОҒЛОМ РАҚОБАТ
БЎЛСА...**

Фуқаролар Шамсиддин Йўлдошев ва Бобур Бехбудовлар (исм-шарифлар шартли)нинг департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида давлат рўйхатидан ўтмай, яширин тарзда иш юритаётган тикув цехи фаолиятига чек қўйилди. Текширув давомида уларга тегишли тикув дастгоҳлари, тайёр маҳсулотлар ва зарурий хом-ашёлар далилий ашё сифатида масала қонуний ҳал бўлгунга қадар вақтинча олиб қўйилди.

Маълумки, тадбиркорлик ортида соғлом рақобат ва мулкка бўлган янги муносабат ётади. Ишбилармонларга Чилонзор туман прокуратураси ва департаментнинг Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқий тушунтиришлар олиб борилиб, амалий ёрдам бериш натижасида янги тадбиркорлик субъекти иш бошлади.

Натижада ҳудуддаги ёшлар иш билан таъминланди. Замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида бежирим кийим-кечаклар тикилиб, савдо расталарига чиқарилди.

Фуқаролар Шамсиддин Йўлдошев ва Бобур Бехбудовларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлса-да, уларга нисбатан Жиноят процессуал кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатиш рад этилди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, қонуний асосда иш олиб борган тадбиркоргина ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради.

Нодир АГЗАМХЎЖАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаменти
Тошкент шаҳар Чилонзор туман
бўлим бошлиғи ўринбосари

**УЙЛАНИШНИНГ
КЕЧИ ЙЎҚ-КУ!**

— Алло, тахририятми?
— Лаббай, эшитамиз.
— Мен Тошкент шаҳриданман, ис-
мин Дилшод, ёшим 29 да, "Бахтли
бўлинг" бўлимига бормоқчийдим.

— Уйланганмисиз?
— Йўқ.
Орадан икки кун ўтгач, Дилшод за-
рур ҳужжатлар билан тахририятга ки-
риб келди.

— Бу ерга келишингиздан онан-
гиз хабардорми?

— Ҳа, албатта. Онамнинг маслаҳат-
лари билан келдим-да. Оилада катта
ўғилман. Икки синглим турмушга чи-
қан, яна иккита укам бор. Дадам
қандли диабет касаллиги туфайли
оламдан ўтгач, иқтисоддан қий-
налиб қолди. Катта ўғил
бўлганим учун онамнинг
ёнига кириб, рўзгор тебра-
тишга ёрдамлашдим. Педа-
гогика коллежини тамом-
лаб, мактабда ишлаяпман.

Таътил пайтида ҳам бўш
ўтирмайман. Қўшимча иш
қилиб рўзгорга қарашаман.
Бу йил институтга ҳужжатла-
римни топширдим. Олий ма-
ълумотли бўлиш ниятим бор.
Онамнинг орзуси тўй-томоша би-
лан мени уйлантириш. Аммо вақт
ўтиб қолгани учун юрак ютиб совчи-
ликка боришга ийманади. Бир жойга
борган экан, қизнинг онаси: "Нега
ўглингиз шу пайтгача уйланмади", де-
ган саволни берибди. Онам бечора, "Уй-
лантиришга қўлимиз калталиқ қилди,
имкониимиз бўлмади" деган экан, ишон-
мабди. Шу боис ўз тақдиримни ўзим уй-
лашимга тўғри келяпти.

— Қандай қиз билан оила қурмоқ-
чисиз?

— Ўта замонавий кийинадиган қиз-
ларни унчалик хушламайман. Кўриниши
оддий бўлса ҳам, қалби гўзал бўлсин.
20-25 ёшли, тошкентлик, турмушга чи-
маган қиз билан ҳаётимни боғласам
дегандим.

ДИЛШОД,
Тошкент шаҳри.

**КЕЛИНГА УЙ, МАШИНА
КЕРАК ЭМИШ**

— Қизим, сизни бир минутга мум-
кинми?

Хонага киришга ийманибгина тур-
ган аёлнинг ортидан йўлакка чиқдик.

— **Холажон, хўш, хизмат?**
— Уэр, сиз билан холи гаплашмоқ-
чидим, шунга...

Самарқандлик опа-сингилларни ку-
затиб бўлгач, бояги аёлни суҳбатга
тортидик.

— Э, қизим нимасини айтай. Иккита
гулдай неварамни тирик етим қилиб,
келиним уйига кетворди. Кексаганим-
да ке-

қилинг, ўқитини тугатиб олсин, ҳамма-
си изига тушиб кетади, десам ҳам
кўнмади, охири ажралишди. Ўғлимнинг
ёши 31 да. Бўйи 175 см. Юзи узунчоқ,
оқ-сарикдан келган. Унча тўла бўлма-
ган, оғир-босиқ, ўрта ёки олий маълум-
отли турмушга чиқмаган ёки ажраш-
ган бефарзанд аёл чиқса, келин қилиш
ниятидаман.

НОИЛА ЯЯ,
Тошкент шаҳри.

**ТЎЙЛАРИГА
ЧОРЛАШДИ БИЗНИ**

— Опа, мен Навоийдан қўнғироқ
қилаяпман.

— **Хўш, хизмат!**

— Сизларга раҳмат айтиб, 6 июль
куни бўлаётган тўйимизга таклиф эт-
моқчийдим. Эсингизда бўлса, бун-
дан икки ой илгари хат билан
сизларга мурожаат қилгандим.
Исмин Мурод. Ёшим 37 да.
Тақдирим ҳақида газетага ма-
қола эълон қилганингиздан
кейин навоийлик Дилдора
исмли аёлдан мактуб олдим.

У билан учрашиб гаплашдик.
Бир-биримизга маълум бўлгач,
онамни совчиликка юбордим.
Дилдоранинг турмуш ўртоғи олам-
дан ўтиб, бир ўғли билан бева қол-
ган экан. Унинг ўғилчасини қайнона-
си ўзи билан олиб қолмоқчи. Кўрамиз,
балки кейинроқ маслаҳатлашиб, бу ерга
олиб келармиз. Барибир бола ўз онаси
билан бўлгани яхшироқ деб ўйлайман.

— **Кўнглингизга ёққан аёлни топ-
ганингиздан хурсандмиз. Фақат
қонуний никоҳдан ўтшини нутманг.**
— Бир ой илгари ФХДЁ бўлимига
ариза бериб келдик.

— **Табриклаймиз, бахтли бўлинг!**



линларнинг қўлидан чой ичиб, невара
боқаман деганимда мана шу мижозлар-
ларни деб соғлигимдан айрилдим. Эр-
хотин бир-бири билан ҳеч келишолма-
ди. Ўғлим шифокорликка ўқияпти. У
кўпроқ вақтини ўқиш, иланишга сарф-
лайди. Келинимнинг аса талаби жуда
катта, алоҳида уй, машина... Бироз сабр

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

ҚИЗИЛЧА (ЭФЕДРА) СИРЛАРИ

Бу бута тури асосан тоғ ён бағирларида 1,5 минг метрдан 2 минг метргача бўлган баландликда, тошлоқ жойларда ўсади. Гиёҳ сифатида бир йиллик ёш новдаларидан фойдаланилади. Асосан апрель-май ой-ларида йиғиб олинади. Бу ўсимлик секин ўсади. 3 метр баландликкача ўсгани кузатилган. Унинг кимёвий таркиби адреналин гормонига яқин. Халқ орасида зағоза ҳам деб аталади.

Қизилча юрак-томир касалликлари, безгак, бронхит, бронхит астма, тизза бўғинларига шифо бўлади. Тери касалликларидан кўтир, псориаз ва турли хил тошмаларга даво. Майдаланган 1 стакан гиёҳни 10 литр сувга солиб қайнатилади. Ушбу тайёр маҳсулот 10 кун мобайнида ванна қилинади. Бу ванна муолажаси аниқ ёз кунлари терига турли хил тошмалар, болаларга тошадиган иссиқлик, замбуруғли касалликларга даво. Марказий асаб тизими тинчлантиради.

Турли хил шикастлиниш асоратида, кўп қон йўқотиш, операция вақтида қон босими тушишида, қон томирларини торайтириб, қон босимини кўтаради. Юқори нафас йўллари шамоллашида, нафас сиқилишида самарали ёрдам беради.

Организмдаги R витамини миқдорини кўпайтиради. Саноатда буриштирувчи, ошловчи сифатида ҳам фойдаланилади. Яна бир хусусияти шундаки, бемор одамни терлатиб, ҳароратини туширишда катта фойда беради.

Ушбу ўсимликни юқори нафас йўллари шамоллашида майдаланган 1 чой қошиги 300 гр. қайнаган сувда 3-4 дақиқа қайнатилиб, 2-3 соат тиндирилиб, 2 ош қошиқдан овқатдан ярим соат олдин ичилса, касалликка шифо бўлади. Ушбу қайнатма 10 кун давомида ичилади. Қон босими юқори бўлганларга тавсия этилмайди.

Иззатилла АБДУРАШИДОВ,
доришунос.



Фойдали маслаҳатлар

• Куймоқ пишираётганингизда у яхши қизариб чиқиши учун икки хисса олий навли ун ва бир хисса иккинчи навдаги ун қўшишингиз лозим.

• Соқларингизнинг оч сариқ тус олишини хоҳласангиз, табиий хинага лимон шарбати ва бир донна тухум аралаштириб, ярим соат давомида суртиб қўйинг.

• Биламизки, устига оғир буюмлар қўйилган гиламнинг туқлари ётиб қолади. Уни асл ҳолига келтириш учун ўша жойни бир неча дақиқа бугда, масалан: дазмол бугда ушлаб туриб, кейин гилам туқларини қарама-қарши томонга тараш лозим.

• Домийли равишда ёпиқ хонада ўтириш кишини беҳол ва беҳаловат қилади.

• Доғланаётган ёғ сачрамаслиги учун унга бир бурда нон ташлаш керак.

• Бўғирсоқ қовураётганингизда ёғга бир бўлак картошка солиб юборсангиз, у қорайиб кетмайди.

• Клеёнка дастурхонни сут қўйилган сирка билан тез-тез артиб турсангиз, у ёри-
либ кетмайди.

• Мис буюмларни тозалаш учун картошка пўстлоғи энг яхши восита ҳисобланади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



Телефоним жиринглади. Кўтарсам, ташвишли овозда дугонам тушунтира кетди:

— Эшитдингми, Наргиза касалхонада экан. Автобусда хушидан кетиб йикилибди. Аҳволи оғир шекилли, ўзи билан гаплашолмадим, онаси айтди.

Наргиза — курсдош дугонамиз. Икки- уч кун аввал уни кўрганим, ammo ҳеч бир касаллик аломатини сезмаганимни эслаб:

— Яқинда кўришгандик, яхши эди, назаримда...
— Кўпчиликдан семирибсан, деган гапни эшитгандан кейин қаттиқ парҳез сақлаётган эди. Бир маҳал иссиқ овқат, қолган вақтларда фақат салат ва мева билан қоринни алдарди. Гемоглобини пасайиб кетган экан.

Наргизани кўришга бориш вақтини келишиб олган, дугонам билан хайрлашдим...

САЛОМАТЛИККА РАХНА СОЛАЁТГАН ПАРҲЕЗЛАР

Диета сўзи тилимизга лотинчадан кириб келган бўлиб, ҳаёт тарзи деган маънони англатади. Деярли барча лугатларда парҳез (диета)нинг асосини соғлом ва гўзал бўлиш ташкил қилиши изоҳланган. Бирор касалликдан азият чекаётганлар, масалан, ошқозон яраси билан оғриганлар қовурилган таомлардан, аллергияга мойиллиги борлар сунъий озиқ-овқатлардан парҳез қилсалар, саломатликлари осон тикланади. Оздирувчи парҳезлар ҳам саломатлик ва гўзаллик учун бирдек қайғурган. Ammo ҳозир унинг маъмуриятчи ўзгаргандек эмасми? Парҳез сақлаётган қизларнинг асосий мақсади қомат хипчилиги бўлиб, бунда соғлиқ масаласи назардан четда қолмоқда. Қизлар даврасидаги суҳбатларнинг асосий мавзуларидан бири — оздирувчи парҳезлар бугун етарлича оммалашиб улгурди. Гўзалликнинг эталони ҳисобланмиш озгинликка эришиш учун аксарият қизлар бор имкониятларини ишга солиб «курашмоқдалар».

Яқинда хориж электрон нашрларидан бирида анорексия хасталиги ҳақида ўқиб қолдим: «Анорексия билан оғриган беморларнинг 90 фоизи ўттиз ёшгача бўлган аёлларга тўғри келади. Касаллик етарлича овқатланмасликдан пайдо бўлиб, терининг суякка ёпишиши, яъни ҳаддан ташқари озиб кетиши дамаён бўлади. Асосан, углевод ва оксил етишмаслиги натижасида бемор-

нинг ташқи қиёфаси нозик, чиройли эмас, касалманд озгинликни эслатади ва ҳеч бир гўзалликдан асар қолмайди. Бу хасталикнинг асабий анорексия деган тури ҳам бўлиб, бунда озишни мақсад қилган бемор тинимсиз шу ҳақида ўйлайди ва иштаҳасини буткул йўқотди...», дейилади аянчли қиёфадаги сурати илова қилинган мақолада.

Кейинги пайтларда қизлар орасида озишга қаттиқ бел боғлаб, умуман нон ва оксилга бой бўлган тухум,

гўшт маҳсулотларини емаётганлар кўпчиликини ташкил қилмоқда. Энг ёмони, ёш қизлар озиш учун ўз билганича ҳаракат қилиб, саломатликларини ҳавф остида қолдиришмоқда. Муқовасида нозик қизнинг сурати билан «Энг тез оздирувчи парҳезлар» каби ўқувчининг диққатини тортувчи ноиллар остида нашр қилинаётган қўлланмаларни ҳозир исталган китоб дўконидан топишингиз мумкин. Муаллифлар (уларнинг қанчалик яхши мутахассис эканлиги бизга номаълум) томонидан берилётган маслаҳатларга амал қилаётганлар масалага фақат бир ёқлама қарамай, унинг саломатлик билан боғлиқ томонларига ҳам аҳамият берсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Албатта, тавсиялар осмондан олинмайди. Аксарият қўлланмалардаги парҳезлар хориж сайтларидан таржима қилинган бўлиб, афсуски, уларда парҳез тутувчининг ашаётган минтақа иклими ва ҳаёт тарзи назардан четда қолган.

Мулоҳаза учун мавзу

Музаффар МАҒДИЕВ,
терапевт:

— Шунинг унутмаслик керакки, ҳар бир организм алоҳида ёндашувни талаб қилади. Озиш учун диета турини танлашдан аввал ортиқча вазн пайдо бўлишининг асл сабабини аниқлаш ва организмнинг умумий аҳолидан хабардор бўлиш ҳамда диетолог маслаҳатини олиш лозим. Кам ҳаракатлилиқ, меъеридан зиёд овқатланишдан келиб чиқувчи ортиқча вазни оздирувчи парҳезлар билан назорат қилиб туриш мумкин. Ammo семизлиқ фақат таомга боғлиқ эмас. Ёш билан боғлиқ вазн ўзгариши, бирор касалликни даволашда қабул қилинган доридармонлар таъсирида, бўқоқ, баъзи гижжа касалликларидан, наслий семизлиқка мойиллик, кучли депрессия сабабли тўпланган ортиқча вазни оздирувчи парҳезлар билан мўтадиллаштиришнинг самараси жуда кам бўлади. Бунда касалликнинг илдинини топиб даволаш, ундан кейин парҳез ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш тавсия этилади. Тўла киши ҳар доим ҳам бақувват бўлавермайди; гемоглобини паст бўлган семиз кишилар ҳам борки, уларнинг кучли парҳезда бўлишлари ўта хавфлидир. Айниқса, бўлажақ она саломатлиги ҳар қандай ташқи гўзалликдан муҳим. Баъзи беморларимиз қаттиқ парҳез сақлаб, вақтида овқатланмаганликлари учун ошқозон-ичак фаолиятининг бузилишидан шикоят қилиб келадилар. Бутун организмнинг мутаносибликда ишлаши озиқ-овқатлардан оладиган қувватига, овқатлар таркибидидаги биологик фаол моддалар — оксил, углевод, ёғлар, витамин ва микроэлементларнинг етарли бўлишига боғлиқ. Жисмоний фаол, соғлом одам организми бир кеча-кундузда 80 гр. оксил, 80-90 гр. ёғ, 400-450 гр. углеводлар, 0, 1 гр. витаминлар, 20 гр. минерал моддалар, шунингдек, 70 турдаги бошқа нутриент моддаларни талаб қилади. Бунинг учун бир кунда ўрта ҳисобда 450 гр. нон, 30 гр. ёрма ва ловиялар, 250 гр. сабзавотлар, 200 гр. хўл мевалар, 10 гр. ўсимлик ёғи, 200 гр. гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 400 гр. дан кам бўлмаган микдорда сут маҳсулотлари, 1 дон тухум истеъмол қилиш керак бўлади. Соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш, яъни жисмоний фаоллик, ўз вақтида ва меъёрида овқатланиш, зарарли одатлардан воз кечиш орқали оздирувчи парҳезларсиз ҳам вазни бир хилда сақлаш мумкин. Бўлажақ она ҳисобланган қизларга шу нарсани эслатмоқчиман: Сизнинг саломатлигингиз бу — жамият соғломлиги. Гўзаллик ва саломатлик эгизак тушунчалар. Касал киши ҳеч қачон гўзал кўринмайди!

Дилроз АБРАЕВА,
«Оила ва жамият» мухбири.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигасида биринчи давра якунланди.

Бу йилги мавсумда ҳам чемпионлик учун асосан уч жамоа — «Бунёдкор», «Насаф» ва «Пахтакор» ўзаро курашмоқда. Биринчи давранинг сўнгги — ўн учинчи турида пешқадамларнинг барчаси галабага эришди. «Бунёдкор» 30 очко билан биринчи, «Насаф» 25 очко билан иккинчи ва «Пахтакор» 24 очко билан учинчи ўринни банд этди. «Нефтич» эса кучли тўртликни банд этиб турибди.

«Андижон» ва «Машъал» жамоалари эса сўнгги погондан жой олишган.

ЕВРО 2012: КИМ ҚАНЧА МАБЛАҒ ИШЛАДИ?

Хабарингиз бор, яқинда Украина ва Польша яшил майдонларида Европа чемпионати якунига етди. Унда Испания термаси чемпионликка эришди.

Чемпионат якунланган, ким қанча пул ишлагани аниқланди. Ҳаммага маълумки, энг кўп даромад чемпионга тегишли бўлди. Висенте Дель Боске шогирдлари 23 миллион еврога бойиди.

Финалчи Италия 19,5 миллион, Германия 16, Португалия 15, Англия 12,5 ва Чехия терма жамоаси 12 миллион евро ишлади.

Француз ва греклар 11,5, хорватлар ва россияликлар 10,5, украин ва данияликлар 10, швед ва мезбон польшалар 9, ирландияликлар ва голландлар — 8 млн евро билан кифояланишди.

РАҲМОН-ПОВЕТКИН ЖАНГИ

Интернет манбаларида ёзишча, россиялик таникли боксчи Александр Поветкин ва америкалик Хасим Раҳ-



мон ўртасида бокс бўйича чемпионлик учун бўлиб ўтадиган жанг санаси маълум бўлди.

Авал бу беллашув 14 июлда Гамбургда бўлиб ўтиши белгиланган эди. Лекин Хасим Раҳмоннинг машғулот жараёнида жараҳат олиши бу сананинг ўзгаришига олиб келди. Боксчи шифокорларининг маълум қилишича, жараҳат жиддий эмас. Рингга чиқиб бемалол жанг ўтказиш мумкин.

Шундай қилиб, бу жанг 27 июль куни Москва шаҳрида бўлиб ўтади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

БОЛАЛАР НАСИБАСИ

Матлуба ишдан шошиб уйига қирар экан, кўшнисининг болалари томга чиқиб, ўрикларни қоқиб еётганига кўзи тушди. Ишхонада ҳам бироз асабийлашгани боисми, бу ҳолатни кўриб янаям жаҳли чиқди ва:

— Инсофларинг борми ўзи, бировнинг дарахтидан мева узиб ейишга уялмайсанларми?! Ўрик кўрмаганмисизлар, — деб бақариб берди.

Хотинининг баланд овозини эшитган эри Низомиддин эшикни очиб, «Тинчликми, нега койийсан, кўй, болаларнинг ҳам насибаси бор-ку», — деган эди, у баттар тутақиб кетди.

— Қаранг, шохлариниям синдириб ташлашибди, ахир ҳали ўзимиз тўйиб ўрик емадик-ку, буларнинг дастидан, деди Матлуба ҳам бўш келмай.

Уша оқшом осмонни булут қоплаб кучли шамол турди. То тонггача ёмғир ёғиб чиқди.

Матлуба эрталаб ҳовлига чиқди. Баргидан меваси кўп бўлган дарахт шамолнинг кучи билан бутун ҳовлига ҳосилини тўккан эди.

Шу пайт дарвоза тугмаси чалинди. Қараса, кечаги «ўғригина болалар»нинг онаси бир челақ ўрикни кўтариб турарди.

— Бу нима? — ҳайратланиб сўради Матлуба кўшнисини билан ҳол-аҳвол сўрашган.

— Кечаги шамолда ўрикларингиз бизнинг ҳовлимизга ҳам тўкилибди. Шуларни олиб чиқувдим, — деди хижолат торганча кўшни аёл...

Матлуба ўзининг кечаги ношукрлигидан уялиб кетди...

Сарвиноз САЙФИДИНОВА,
ЎзДЖТУ француз филологияси талабаси.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармаси

Тахририятга келган кўлемли материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Шаҳноза РОФИЕВА
Саҳифаловчи — Оксил РАҲМОНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуր кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга
олинган. Буюртма Г — 728. Формати А-3,
ҳажми 2 табоқ. Адади — 6902. Баҳоси кели-
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5